

САВДОЛАРДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ (Битта-конвертлик савдо тартиби)

Буюртмачи: «Иссиқлик Манбайи» ДУК, Самарқанд вилояти
Лойиҳа номи – “Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш”.

Контракт – “Самарқанд шаҳрида иссиқлик тизимини қайта тиклаш (Лот 1, Лот 2 ва Лот 3)”.

Мамлакат: Ўзбекистон

Заем: ХТА № 6173 - UZ

Идентификацион рақам ХТС №: ICB-11RB-SIM

Нашр: Сентябр 2023

1. Ўзбекистон ҳукумати томонидан *"Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш"* лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА)дан олинган кредит маблағларининг бир қисми “Самарқанд шаҳрида иссиқлик тизимини қайта тиклаш” (Лот 1, Лот 2 ва Лот 3) контракти билан боғлиқ тўловларга йўналтириш кўзда тутилган.

2. Жаҳон банки Лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи Самарқанд вилояти «Иссиқлик Манбайи» ДУК (Буюртмачи) номидан “Самарқанд шаҳрида иссиқлик тизимини қайта тиклаш” Контракти бўйича муҳрланган тендер таклифларни тақдим этишга таклиф этади. Контрактда (Лот 1, Лот 2 ва Лот 3) 33 км узунликдаги эскирган иссиқлик тизимини, яъни қувурларни белгиланган талабларга мувофиқ янгилаш кўзда тутилган. Контракт Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри ҳудудида 365 кунда амалга оширилади.

Мазкур ХТС таркибидаги лот (контракт)лар сони ва идентификацияси: 3 (учта) лот (контракт)

ICB-11RB-SIM-01, Самарқанд шаҳрида 7,6 км иссиқлик тизимини қайта тиклаш – Лот 1

ICB-11RB-SIM-02, Самарқанд шаҳрида 12,7 км иссиқлик тизимини қайта тиклаш – Лот 2

ICB-11RB-SIM-03, Самарқанд шаҳрида 13 км иссиқлик тизимини қайта тиклаш– Лот 3

Контракт (контрактларни) ютиб олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун савдо иштирокчилари қуйидаги талабларга мос келишлари лозим:

а. 2018 йил 1 январдан токи таклифларни топшириш муддати тугашигача бўлган даврда бош пудратчи, қўшма корхона аъзоси, бошқарувчи пудратчи ёки субпудратчи сифатида қоникарли ва умуман яқунланган қуйида кўрсатилган, шунга ўхшаш шартномаларнинг минимал сони:

Лот 1 учун – 1 (битта) контракт минимал қиймати 2 500 000 (Икки миллион беш юз минг) АҚШ доллари, ёки 2 (иккита) контракт минимал қиймати 1 800 000 (Бир миллион саккиз юз минг) АҚШ доллари бўлган, ушбу контрактлар бир вақтда ва бир йилдан кам бўлмаган давр ичида амалга оширилган бўлиши шарти билан;

Лот 2 учун – 1 (битта) контракт минимал қиймати 4 200 000 (Тўрт миллион икки юз минг) АҚШ доллари, ёки 2 (иккита) контракт эквивалент минимал қиймати 3 000 000 (Уч миллион минг) АҚШ доллари бўлган, ушбу контрактлар бир вақтда ва бир йилдан кам бўлмаган давр ичида амалга оширилган бўлиши шарти билан;

Лот 3 учун – 1 (битта) контракт минимал қиймати 5 500 000 (Беш миллион беш юз минг) АҚШ доллари, ёки 2 (иккита) контракт эквивалент минимал қиймати 3 900 000 (Уч миллион тўққиз юз минг) АҚШ доллари бўлган, ушбу контрактлар бир вақтда ва бир йилдан кам бўлмаган давр ичида амалга оширилган бўлиши шарти билан.

Бир нечта лотлар учун малака талабларини қондириш учун Иштирокчи уларнинг умумий молиявий талабларига мувофиқлигини намойиш қилиши керак.

b. Иштирокчи, Қўшма корхона ёки Консорциум аъзоси ёки уларнинг субпудратчилари МИТ қувурларини лойihalашда, ЦТ DN 150-500 мм бўлган ер ости канал қувурларини ётқизиш ва ўрнатиш бўйича таклиф қилинаётган контракт билан мураккабликда таққосланадиган муваффақиятли тажрибасини намойиш этишлари лозим.

c. Йиллик ўртача минимал қурилиш айланмаси миқдори:

Лот учун 1 - 7 200 000 (Етти миллион икки юз минг) АҚШ доллари;

Лот учун 2 - 12 000 000 (Ўн икки миллион) АҚШ доллари;

Лот учун 3 - 15 600 000 (Ўн беш миллион олти юз минг) АҚШ доллари, охириги 3 (уч) йил учун тугалланмаган ва/ёки тугалланган шартномалар бўйича олинган сертификатланган тўловларнинг умумий миқдори сифатида ҳисоблаб чиқилган, 3 (уч) йилга бўлинган. Бир вақтнинг ўзида бир нечта лотлар учун малака талабларига жавоб бериш учун Иштирокчи умумий молиявий мезонларга мувофиқлигини намойиш қилиши лозим.

d. Иштирокчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, кўчмас мулк, очиқ кредит линиялари ва бошқа молиявий воситалар (шартномалар бўйича ҳар қандай аванс тўловларидан мустақил) томонидан юкланмаган ликвид активлари ёки уларга кириш ҳуқуқига ега еканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан намойиш қилиши керак. қурилиш учун пул оқими талабларига жавоб берадиган, тахмин қилинган:

Лот учун 1 - 1 200 000 (Бир миллион икки юз минг) АҚШ доллари;

Лот учун 2 - 2 000 000 (Икки миллион) АҚШ доллари;

Лот учун 3 - 2 600 000 (Икки миллион олти юз минг) АҚШ доллари Иштирокчининг бошқа мажбуриятларини ҳисобга олмаган ҳолда тегишли шартнома (лар) ни бажариш учун. Бир вақтнинг ўзида бир нечта лотлар учун малака талабларига жавоб бериш учун иштирокчи умумий молиявий мезонларга мувофиқлигини намойиш қилиши лозим.

e. Иштирокчи ваколатли шахсларининг имзоси ва Иштирокчининг муҳри билан тасдиқланган аудит ўтказилган бухгалтерия ҳисоботларини ёки агарда талаб қилинган мамлакат қонунчилигида талаб қилинмаса, охириги 3 (уч) йил давомида Буюртмачи учун мақбул бўлган жорий барқарорликни намойиш этадиган ва унинг истиқболли узоқ муддатли рентабеллигини кўрсатадиган бошқа молиявий ҳисоботларни тақдим этиши лозим. Бир вақтнинг ўзида бир нечта лотлар учун малака талабларига жавоб бериш учун Иштирокчи умумий молиявий мезонларга мувофиқлигини намойиш қилиши керак.

3. Танлов ҳужжатларида қўшимча белгиланганига кўра, тендер иштирокчилари битта ёки бир нечта контрактларга сўровномалар юборишга ҳақли. Чегирмалар таклифи билан битта контрактдан зиёд битим қилишга хоҳиш билдирган иштирокчиларга ушбу чегирмаларга улар танлов таклифига киритилган ҳолда рухсат берилади.

4. Тендер савдолари халқаро тендер савдолари тартиб-тамоийллари доирасида ўтказилади, “ХТРБ займлари ҳамда ХТА кредит ва грантлари бўйича Жаҳон банкининг займ олувчилари товарлар, ишлар ва ноконсалтинг хизматларини харид қилиш бўйича Кўлланма” 2011 йил январь (“харидлар бўйича Кўлланма”) ва Жаҳон банки сиёсатига оид манфаатлар тўқнашуви ёритилган 1.6 ва 1.7 бандлар талабларига жавоб берувчи барча тендер иштирокчилари учун очиқ.

5. Қизиқиш билдирган ҳуқуқга эга савдо иштирокчилари рус ва инглиз тилида тендер ҳужжатларни Лойихани амалга ошириш гуруҳининг электрон почтасига e-mail: pcu.dheep@gmail.com номзоднинг номи, идентификацион рақами ва контракт номи қайд этилган ёзма сўровнома тақдим этилган ҳолда олишлари мумкин.

6. Қизиқиш билдирган ҳуқуқга эга савдо Иштирокчилари қўшимча маълумотларни қуйидагилардан олишлари мумкин:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Лойихани амалга ошириш гуруҳи директори – Караев Самандар
e-mail: pcu.dheep@gmail.com

тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун иш кунлари соат 9:00 дан кечки 17:00 (Тошкент вақти билан) гача қуйидаги манзил бўйича.

7. Тендер олди йиғилиш **2023 йил 3 октябр куни Тошкент вақти билан соат 10: 00** да Самарқанд шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 88 А уй манзилида Самарқанд вилояти “Иссиқлик Манбайи” ДУК бўлиб ўтади. Объектга ташриф Буюртмачи томонидан шу куни ташкил этилади.

8. Таклифлар қуйидаги манзилга **2023 йил 17 октябр куни Тошкент вақти билан соат 16:00** дан кечиктирмай етказилиши лозим. Электрон савдоларга йўл қўйилмайди. Кечиктирилган таклифлар қабул қилиниши рад этилади. Таклифлар танлов иштирокчиларининг ваколатли вакиллари ва қатнашишга қарор қилган ҳар бир шахс иштирокида **2023 йил 17 октябр куни** қуйидаги манзилда Тошкент вақти билан соат 16:00 да очикланади.

9. Танлов таклифлари очилиш жараёнидан сўнг 120 кун давомида амал қилишлари шарт ва SWIFT хабари орқали миқдори чиқарилган банк кафолати билан таъминланган бўлиши лозим:

Лот 1 учун – 35 000 (Ўттиз беш минг) АҚШ доллари;

Лот 2 учун - 60 000 (Олтмиш минг) АҚШ доллари;

Лот учун 3 – 78 000 (Етмиш саккиз минг) АҚШ доллари ёки конвертация қилинадиган валютанинг эквивалентида.

Юқорида қайд этилган бандларга оид манзиллар:

Тушунтиришлар учун сўровномаларга:

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Тошкент ш., 100017, Ўзбекистон Республикаси

Осиё кўчаси (Ц-5) 60, 50 кв.

e-mail: pcu.dheep@gmail.com

Телефон: (99871) 234 15 94, (99871) 234-15-24

Тендер таклифларни тақдим этиш учун:

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Тошкент ш., 100017, Ўзбекистон Республикаси

Осиё кўчаси (Ц-5) 60, 50 кв.

Телефон: (99871) 234 15 94, (99871) 234-15-24

www.mc.uz

Тендер таклифларни очилишига оид:

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Тошкент ш., 100017, Ўзбекистон Республикаси

Осиё кўчаси (Ц-5) 60, 50 кв.

Телефон: (99871) 234 15 94, (99871) 234-15-24